

МОТУРИДИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ ВА КИТОБХОНЛИК САЛОҲИАТИНИ ОШИРИШДАГИ ЎРНИ

РУСТАМ ПАРДАБОЕВ,

Яккасарой туман ахборот-кутубхона маркази

Абномент ва фойдаланувчиларга

хизмат кўрсатиши хизмати мутахассиси

Аннотация. Мақолада Имом Мотуридий асарларининг асосий моҳияти, аллома таълимоти ва меросининг аҳамияти унинг ёшлар маънавиятига таъсири ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: мотуридия, таълимот, маънавият, тарихий онг, ёшлар тарбияси.

Annotation. This article states the main gist of the works of Imam Moturidiy, his doctrine and the importance of his legacy and its influence on spirituality.

Key words: Moturidiya, doctrine, spirituality, historical consciousness youth education.

Аннотация. В статье обсуждается суть работ Имама Мотуриди, значение учения и наследия ученого, его влияние на духовность молодежи.

Ключевые слова. Мотуридия, учение, духовность, историческое сознание, воспитание молодежи.

Тарих ҳақиқати ва инсоният тараққиёти бир-бири билан уйғун тушунчалардир. Тарихий онг, тарихий хотира йиллар ўтган сайин ўз аҳамиятини сақлаб қолиши баробарида унга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Айниқса, бугунги маънавий – руҳий покланиш, юксак маънавиятга эришиш жараёнида биз истиқболимизни аждодлар меросисиз тасаввур эта олмаймиз. Шу жиҳатдан, маънавиятимиз, маърифатимиз, замонлар ва инсоний муносабатларимизнинг ўзаро алоқадорлигини бирлаштирувчи жараёнлар акс этган манбаларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Калом илмининг мотуридийлик оқими асосчиси Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий ал –Мотуридий ас- Самарқандий 870 (ҳижрий 256)- йилда азим Самарқанднинг Мотурид қишлоғида (ҳозирги Жомбой туманида) таваллуд топган. Ва умрининг охиригача (944-й.) шу ерда яшаган, катта боғ ҳам барпо этган. Бу мухтарам зот ўз замонасидаёқ “Имом ал- Худо” (“Рушди ҳидоятга бошловчи имом”), “Қудват аҳл ас сунна вал ихтидо” (“Суннат ва ҳидоя”), “Рофиъ аълом ас-сунна ва -л - жамоа”, (“Аҳли сунна вал жамоанинг байроғини баланд кўтарувчи”), “Имом ал - мутакаллимийин” (Барча мутакаллимларнинг имоми), “Мусахҳиҳ ақоид ал-

муслимийин” (“Барча мусулмонлар ақидаларининг тузатгувчиси”), аш -Шайх ал-Имом каби юксак номларга сазовор бўлган аллома сифатида эътироф этилган. Биринчи Президентимиз бу ҳақда шундай деган эди: ”Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Имом Бухорий вафот этган йили, яъни милодий 870 йили тарихимиздаги яна бир мумтоз сиймо – Имом Мотуридий таваллуд топган экан. Бу воқеа замирида шахсан менга илоҳий бир боғлиқлик, Оллоҳнинг буюк марҳамати бордек, бамисоли Имом Бухорийнинг нурли қаламини Имом Мотуридий олиб, ул зотнинг хайрли ишларини давом эттиришга бел боғлагандек туюлади. Имом Мотуридий бобомизнинг ўрта асрлардаги ғоят хатарли ва таҳликали бир вазиятда ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, авлодларга ибрат бўладиган маънавий жасорат намунасини кўрсатиб, ислом оламида “Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи ” деган юксак шарафга сазовор бўлгани бу нодир шахснинг улкан ақл-заковати ва матонатидан дарак беради”.¹

Имом Мотуридий Самарқанддаги ал-Айозий мадрасасида ўқийди. Унинг илоҳият илмларини мукаммал ўрганишида ҳамда ўз даврининг етук алломаси бўлиб етишишида устозлари- Абу Наср Аҳмад ибн ал- Аббос ибн ал Ҳасайин, Абу Бакр Аҳмад ал-Жузжоний , Нусайр ибн Яҳё ал- Балхий , Муҳаммад ибн Муқотил ар-Розий (у Рай шахрининг қозиси бўлган) ларнинг таъсирлари ва хизматлари беқиёсдир. Аллома кейинчалик ўзи таҳсил олган мадрасада фикҳ ва калом илмларидан дарс ҳам берди.

Имом Мотурдий суннийлик оқимида калом илмининг йирик намояндасидир. Унинг таълимоти ҳанафий мазҳабига асосланиб яратилган . Калом ва фикҳ илмлари соҳасидаги қарашлари унинг икки - “ Китоб ат-Тавҳийдъ» («Яккахудолик ҳақидаги китоб») ва “ Китоб таъвийлот аҳл ас –сунна » («Суннийлик анъаналари шарҳи») номли асарларида баён этилади. Бу борадаги муҳим маълумотлар алломанинг вафотидан кейин мотурудийя таълимотига бағишлаб яратилган қатор асарларда ҳам ўз аксини топган. Унинг фикрича, инсонларнинг ёмон хулқли ишлари, гуноҳлари Оллоҳнинг иродаси билан (чунки Оллоҳ шу ишларни тақдир қилган), лекин унинг розилигисиз амалга оширилади. Аммо Оллоҳ таола инсонларга ўз эркини қўлига бериб яратган, яъни унинг ҳаракатлари азалдан тақдир этиб қўйилган бўлса-да , инсоннинг баъзи ишларига соҳиб ихтиёрлигини ҳам берганлар. Яъни, пешонага ёзиб қўйилган тақдирга қайси йўл орқали етиб бориш инсон эркидадир.

Буюк ватандошимиз, энг аввало, калом илми соҳасида том маънода тарихий ишларни амалга оширган , ўзига хос мактаб яратган ва бу мактаб унинг табаррук номи билан мотурудийя мактаби деб аталади. Калом илми диний

¹И.Каримов Юксак маънавият – енгилмас куч.Т.Маънавият, 2008. 39-б

акидалар ва уларнинг усулларини ақлий далиллар ва исботлар асосида талқин қилиб, улардаги ҳар қандай шубҳали, бир томонлама қарашларга барҳам берадиган илмдир. Калом илми билан шуғулланадиган олимлар мутақаллимлар дейилади. Мотрудий яшаган тўққизинчи аср охири ўнинчи аср бошларида исломий илмлар ва ғоялар гуркираб тараққий этган.

Билиш назарияси калом илми билан шуғулланган олимларнинг ҳар доимги диққат эътиборида бўлган. Лекин шу билан бирга алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу масала билан илмий асосда жиддий шуғулланадиганлардан бири Абу Мансур Мотурудийдир. Унинг қаламига мансуб, икки асар – “Китоб ат-Тавҳият” ва “Таъвийлот аҳли ас –сунна” дастлабки қисмларидаёқ билиш назариясига бағишланган. Айниқса, буюк алломанинг “Китоб ат-Тавҳият” асари калом илмидаги билиш назариясига бағишланган энг дастлабки манба бўлиб, ушбу масала ғоятда нафис услубда ифода этилади. Мотурудий таълимотига кўра билиш учта асосий манбаи бор: ҳиссий аъзолар воситасида, нақл –ривоятлар воситасида ва ақл - идрок воситасида.

«Буюк ватандошимиз, аллома Мотурудий ҳазратларининг бундан ўн бир аср муқаддам берган таълимоти бугунги кунда ҳам ғоят долзарб бўлиб, инсон ақл – заковати ва тафаккурининг имкониятлари чексиз эканлигига ишорадир. Аллома фаолиятида муборак ислом динимизнинг ҳаётбахш мазмун моҳиятини тўғри талқин қилиш, турли оқим ва гуруҳларга қарши кураш алоҳида ўрин эгаллайди. Шу нуқтаи назардан ҳам Мотурудий илгари сурган ғоялар бугунги кунда ўз долзарблигини сақлаб қолган ва нафақат илмий, балки катта амалий аҳамиятга ҳам эга.»² Айни замонда, алломанинг 15 га яқин асарлари бизга маълум. Улардан фикҳ илми ва унинг усулига бағишланганлари қуйидагилар: “Китоб ал –жадалъ» («Диалектика ҳақидаги китоб»), “Китоб маъхаз аш –шариъа («Шариат асослари сараси»). Унинг таълимоти ривожланиб, 13 асрдан кейин Мовароуннаҳр ҳудудидан чиқиб, мусулмон Шарқи мамлакатларига ёйилди.

Мамлакатимизда Имом Мотурудий меросини ўрганишга мустақилликдан кейин киришилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан 2000- йилда Имом Мотурудий таваллудининг 1130 йиллиги юртимизда кенг нишонланди. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Самарқандда аллома хотирасига ёдгорлик мажмуи бунёд этилди. Тошкент ва Самарқандда Имом Мотурудий таълимоти ва унинг ислом оламида тутган мавқеига бағишланган халқаро илмий анжуман ўтказилди. Буюк аллома ҳаётининг турли қирраларини ёритувчи мақолалар , рисоалар ва тадқиқотлар чоп этилган. Унинг меросини ўрганган хорижлик олимлар билан самарали ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди .Жумладан, Гёттинген (ГФР)

² Барҳаёт аждодларимиз. Имом Мотрудий.Т.Тафаккур, 2019.34-35-б.

университетининг профессори Улрих Рудольфнинг “Ал- Мотурудий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти” китоби ўзбек тилига таржима қилинди ва 2001 йилда нашр этилди.

Инсон тафаккур тарзи ва маънавияти халқ тарихи, маданий мероси, миллий, умуминсоний қадриятлар моҳияти ва аҳамиятини холисона билиш, улардан оқилона фойдаланиш, ривожлантириш билан боғлиқдир. Имом Мотурудийдек буюк алломаларимизнинг илмий меросларини ўрганиш ва англаш бизнинг тенгдошларимизни билиб – билмай турли диний оқимларга кириб қолишдан асрайди. Бизнинг мақсадимиз - уларга муносиб ворислар бўлишдир.

Адабиётлар рўйхати:

1. И. Каримов Юксак маънавият – енгилмас куч. Т. Маънавият, 2008.
2. Барҳаёт аждодларимиз. Имом Мотурудий. Т. Тафаккур, 2019.
3. У. Уватов Имом ал –Мотурудий ва унинг таълимоти. Т, 2000
4. К. Каттаев Имом ал-Мотурудий ва Чокардиза. Самарқанд, 2000
5. Абдулазиз Мансур Ал-Мотурудий таълимоти. Т, 2003
6. Ш. Зиёдов Ал-Мотурудий ҳаёти ва мероси. Т, 2000